2012 йил 13 июль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 138 (12.199)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



*...Яқинда кўп қаватли уйимизга бақамти мўъжазгина дўкон қурилди. Унинг ёнидан ўтаётиб, ҳар куни гавжум эканлигини кузатдим. Тепасига «Minimarket» деб ёзилган бўлса-да, дўкон бир дунё нарсани сиғдирган.*

## СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Нарх-навоси ва маҳсулотларга бўлган қизиқишим туфайли маош олган куним қизалоғимни етаклаб мен ҳам дўкондан харид қилиш учун кирдим. Фарзандим бир-биридан чиройли қоғозларга ўралган ва қадоқланган ширинликлардан қайси бирини танлашни билмай шошиб қолди.

Танлашга қийналганимиз туфайли сотувчидан маслаҳат сўрадик. У эса хоҳласангиз таъмини татиб кўринг, ёқмаса олмайсиз дея бир неча турдаги шоколад ва ширинликларни тавсия қилди. Бир дона шоколадни олдим: мазаси зўр! Қоғозини ўқийман: «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган». Боғчага олиб боришга қулай қилиб чиқарилган, чиройли қоғозларда қадоқланган кекслардан бирини олиб кўрдим. «Shirin asal elit» савдо белгиси. Сотувчи шу савдо белгиси билан чиқаётган ўн хилдаги пишириқ, мармелад ва қандолат маҳсулотларини кўрсатди.

Сотувчи йигитнинг айтишича, ҳозир дўконда 86 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти харидорларга тақдим этилаётган экан. Уларнинг орасида ўзимизда ишлаб чиқарилгани қанча, деб сўрасам, у кулимсираб, ҳаммаси ўзимизда чиққан, сифати кафолатланган, деди. Тўғрисини айтганда кейинги йилларда юртимизда тадбиркорлик соҳасига қаратилаётган эътибор туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортганидан хабарим бўлсада, дўкону бозорларимизда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг деярли барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилаётганидан бехабар эдим.

(Давоми 2-бетда)

***Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг шу йил 10 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишида бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатига халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олишини алоҳида таъкидлади.***

## ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ УЙҒУНЛИГИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши мамлакатимизда спортни янада оммалаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Айниқса, қизларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда. Бугун мамлакатимизда спортнинг нафис тури – бадиий гимнастика қизлар ўртасида тобора кенг оммалашаётир. Бадиий гимнастикага мўлжалланган ўнлаб янги спорт мажмуалари бунёд этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий спорт иншоотларида бадиий гимнастика секциялари ҳамда клублари фаолияти йўлга қўйилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 27 августдаги «Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли «Универсал» спорт саройи негизида Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби фаолият бошлади.

Ушбу спорт мактабида ўқиш муддати беш йил ва ўқувчи-ёшлар сафи 60 нафардан иборат бўлиб, қоидага кўра, ҳар йили 10 ёшли 12 нафар ўқувчи-спортчи қабул қилинади. Ўқувчиларнинг умумтаълим дарслари бўйича таълим олиши Тошкент шаҳрининг яқин атрофда жойлашган мактабларида амалга оширилади.

Спорт мактаби ўқувчилари тўрт маҳал овқатланиш, ихтисослаштирилган кийим ва спорт анжомлари билан таъминланган.

Бу ерда 12 нафар қиз тажрибали мураббийлар раҳбарлигида машғулотларда иштирок этмоқда. Улар гимнастика клублари ва спорт мактабларида тайёргарликдан ўтган, бадиий гимнастика билан шуғулланишда зарур спорт кўникмасига ҳамда юқори салоҳиятга эга иқтидорли ёшлар орасидан турли вилоятларда ўтказилган танлов асосида саралаб олинган. Бундан ташқари, пойтахтимизнинг турли маҳаллаларида истиқомат қилувчи 150 нафар қиз соғломлаштириш курсларига жалб этилган.

(Давоми 2-бетда)

## Мунособат

## ЯНАДА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ИШЛАЙМИЗ

***Маҳалла институтини ривожлантириш ва унинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва янги мазмун билан бойитиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Зеро, тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, аҳиллик бор жойда файзу барака бўлади. Одамлар бугунидан мамнун, эртанги кунига ишонч билан яшайди.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 9 июль куни қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини биз, маҳалла фаоллари меҳнатининг давлатимиз раҳбари ва халқимиз томонидан юксак эътирофи, деб биламан.

Халқимиз бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака қочади, деб бежиз айтмайди. Шу боис бир оиладаги кичкинагина муаммо ҳам бутун бир маҳалла аҳлини ташвишга солади. Маҳалла туфайли халқимизга хос ҳамжиҳатлик, аҳиллик, бирдамлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби азалий қадриятларимиз қадр топиб, ёшларимиз онгу шуурига сингдирилмоқда.

Маҳалламизда беш минг беш юз олтмиш нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг тинчлигини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғинимизда маънавий, тарбиявий масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида маърифий тадбирлар изчил олиб борилмоқда. Тушунтириш ишлари самарасида ҳозирга қадар маҳалламизда аёллар ва вояга етмаганлар орасида жиноят содир этиш, қизларни эрта турмушга узатиш каби ҳолатлар қайд этилмади, нотинч оилалар, гиёҳвандликка мойил шахслар кузатилмади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланмоқда. Маҳалламизда ҳам ўндан ортиқ тадбиркорлик субъекти, ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, бу маҳалла аҳолисини, айниқса, коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Мисол учун, «Мадина сервис», «Қўшқўрғон сервис» хусусий корхоналарида 50 дан зиёд аёл иш билан таъминланди. Жорий йилда Абдураҳмоновлар оиласи оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, қирқдан зиёд янги иш ўрни яратди.

Айни кунларда маҳалламизда энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг йигирма бир йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик доирасида қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг банклардан кредит олишларига кўмаклашиш учун «Маҳалла» жамоат фонди билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз.

Президентимизнинг фармони бу борадаги ишларимизга қанот бағишлайди. Бизни янада фидойилик, масъулият билан фаолият юритишга ундайди. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан биз, маҳалла фаоллари юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлаш, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини бундан-да юксалтириш йўлида астойдил меҳнат қиламиз.

**Машкура АҲМАДЖОНОВА,**
**Сергели туманидаги «Қўшқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси**
**(ЎзА)**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими томонидан 36-оилавий поликлиникада «Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!» эзгу ғоясини ўзида мужассам этган «Мустақиллик бу ҳуқуқдир» дея номланган тадбир ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ташаббуси билан «Алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Оромгоҳ чорлайди» мавзуида адабий кеча ва концерт ўтказилди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Сергели туман бўлими ташаббуси билан МК «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан «Ўзтемирйўлконтейнер» ОАЖда темирйўл ходимлари ўртасида «Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!» мавзуида жонли мулоқот уюштирилди.

✓ **БУГУН** Олмазор туманидаги «ОНИКС» ОАЖда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Жиззахда маданият муассасалари ходимлари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ватан мадҳи, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, тинч-осойишта ҳаётимиз, юртимизнинг бетакрор жамоли танловда иштирок этган эллик нафар санъаткор томонидан ўзига хос оҳангларда тараннум этилди.
- Наманганда «Халқ томоша санъати ва миллий ўйинлари» кўрик-фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллигига тайёргарлик дастури доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда номоддий маданий меросни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган истеъдод эгалари ўз маҳоратларини намойиш қилишди.
- Булунғур туманилик фермер Шавкат Қаюмов чиқиндидан қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ушбу лойиҳа рўёби учун 155 минг АҚШ долларилик маблағ сарфланди. Фермернинг мазкур хайрли ташаббуси натижасида 25 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.
- Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари «Ясси рефлекторли қуёш уйи» лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Мазкур қурилма турар жой биноларини иситишга мўлжалланган. У кундузи тўғридан-тўғри қуёш нури ҳисобига, кечаси мавжуд аккумуляторлар ёрдамида ҳосил қилинадиган энергия асосида ишлайди. Ушбу қурилмани халқ хўжалигининг [illegible] ли тармоқларида кенг қўллаш мумкин.
- Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси янги бинода иш бошлади. Барча қулайликларга эга мазкур иншоот давлат томонидан ажратилган 9 миллиард сўм миқдоридаги маблағ эвазига барпо этилди. Ҳозирда 140 ўринли замонавий шифо масканида беморлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

### ЖАҲОНДА

- Германиянинг Жаҳон аҳолишунослик жамғармаси тарқатган маълумотларга кўра, айни вақтда сайёрамиз аҳолиси сони етти миллиард эллик етти миллиондан ошган. Дунё аҳолиси сони ҳар йили саксон миллионга кўпаймоқда. Жамғарма расмий вакили Уте Штальмайстернинг айтишича, аҳоли сони, айниқса, Африка мамлакатларида шиддат билан ўсмоқда. Юз йил ичида ушбу қитъадаги аҳоли сони 3,5 миллиардга етиши мумкин.
- Ҳиндистон ҳукумати Буюк Британиянинг «Сотбис» кимошди савдо уйидан умрини миллий озодлик курашига бахшида қилган ҳинд халқининг буюк фарзанди Маҳатма Гандига тегишли хатлар, ҳужжат ва суратларни 1,1 миллион АҚШ долларига сотиб олди. Хабарларга қараганда, Маҳатма Гандига тегишли ушбу тўпламлар сотувга қўйилмасидан аввал харид қилинган. Энди бу тўплам Ҳиндистон Миллий архивида сақланади.
- Нидерландияда озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи супермаркетлар бармоқ излари ёрдамида маҳсулот харид қилиш усулини йўлга қўйди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, маҳсулот харид қилишнинг мазкур усулига кўра, харидор савдо марказида рўйхатдан ўтиши ва махсус аппаратда бармоқ изини қолдириши лозим. Бу унинг банкдаги ҳисобрақамидан савдо қилинган маҳсулотлар нархига яраша пул ечиб олиш имконини беради.
- Кеча Нигерияда бензин ташувчи автомашинанинг портлаши натижасида 95 киши ҳалок бўлди.
- Японияда кучли жала қуйиши 15 кишининг ҳаётига зомин бўлди, 11 киши бедарак йўқолди.
- Австрияда болалар учун ғайриоддий оёқ кийимлари ишлаб чиқарилди. Болакайларнинг оёқ ўлчами ўсгани сари пойабзал ҳажми ҳам катталашади. Хабарларга қараганда, бундай ақлли оёқ кийимини яратиш учун бир неча йил вақт кетган. Ҳозирча унинг яратилиш усули сир сақланмоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, тез кунларда сотувга чиқарилиши режалаштирилаётган бундай пойабзалнинг нархи оддий оёқ кийимидан фарқ қилмайди.

# СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Етарлича ширинликлар харид қилиб уйга қайтгач, ишлаб чиқариш корхоналаридан бири хусусида мақола ёзиш иштиёқи уйғонди. Шунда «Shirin asal elit» корхонаси билан боғланиб, маҳсулотларнинг қандай шароитда тайёрланиши билан қизиқдим. Учрашиш учун вақтини келишиб олдик.

— Мана икки йилдан буён ички бозорда фаолият юритиб келаяпмиз, — дейди корхона директори Нурилла Маҳамадалиев. — Рақобат жуда кучли. Шу боис маҳсулотларимизнинг сифати доимий эътиборда. Ўтган йили Эрондан харид қилинган замонавий технология ёрдамида кекс маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз. Бунда фақатгина хамирни тайёрлаб, ускуна устига қўйиш қўлда бажарилади. Қолгани автоматлаштирилган.

Катта бинога ўрнатилган ускуна атрофида айланамиз. Хамир 60 метр масофани босиб ўтиш жараёнида пишиб етилар экан. Лентанинг айланиши давомида тегишли ҳажм ва шаклда кесилиб, устига мураббо қўйилгач, 10 метр масофадаги совутгични босиб ўтиб, бир йўла қадоқланган ҳолда қутиларга тушмоқда.

Атрофда қиз-жувонларнинг қўли қўлига тегмайди. Бири турли хилдаги пишириқларни печдан олаётган бўлса, яна бири унга безак бермоқда. Бошқаси эса карамель конфетларининг қадоқланишини назорат қилмоқда.

Директор ўринбосари Саидғани Маҳамадалиевнинг таъкидлашича, корхонада ҳар пайшанба куни тушдан сўнг барча ишлар тўхтатилиб, тозалик куни ўтказилади. Бошқа кунлари ҳам ишчиларнинг тозаликка риоя қилиши қатъий назоратда. Зеро, асосан болалар учун чиқарилаётган ширинликларни тайёрлаш жараёнида арзимаган эътиборсизлик, гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оилалар учун қанчалик ташвиш келтиришини ҳар бир тадбиркор жуда яхши англайди.

– Ёшлигимизда уч-тўрт хил конфет бўларди, – дейди Нурилла ака. — У ҳам неча вақт омборларда сақланиб, истеъмолга деярли яроқсиз ҳолда сотувга чиқариларди. Кўплаб оилаларнинг дастурхонига оқ қанддан бошқа ширинлик деярли қўйилмасди. Бу сўзлар ҳозир кўпчилик учун эртакдек. Чунки ҳозирда ҳар қандай маҳсулотнинг ўнлаб тури мавжуд, харидорда ўзи учун энг мақбулини танлаш имконияти кенг.

Ҳа, тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида бугун юртимизда кўплаб дўконлар, ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнида рақобатнинг ортиши эса харидорнинг энг сара маҳсулотни танлаб, истеъмол қилиш ёки либосга буюртма беришга бўлган талабини янада оширади. Шундан бўлса керак, ҳар бир тадбиркор энг аввало, сифатга эътибор қаратмоқда.

**Зиёда ВОҲИДОВА**



**«Кенг макон» мебель ишлаб чиқариш корхонасининг маҳсулотлари ўзининг замонавий ва бежиримлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда**

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

# МУҲАНДИСЛАР ОИЛАСИ

***«Алоқалойиҳа» давлат унитар корхонасида ўз ихтисослигини намоён этиб келаётган кадрлар талайгина. Улар орасида етук муҳандис сифатида яхши танилган Донохон Раҳматуллаева ҳам бор.***

Корхонанинг радиореле линиялари ва радиоалоқа бўлимида фаолият кўрсатиб, ўзининг бор иқтидор ва билимини амалиётга татбиқ этиб обрў-эътибор топаётган муҳандис яқинда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўз касбининг устаси» мукофоти билан тақдирланди.

— Корхонамиз муҳандислари зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган, — дейди Д.Раҳматуллаева ўз касбидан фахрланиб. — Биз мамлакатимизда фаолият юритаётган «Ўзмобайл» каби мобиль компаниялар, шунингдек, сунъий алоқа йўлдошлари ишини лойиҳалаштириш билан шуғулланамиз. Ишимиз ўта масъулиятли. Шунинг учун ходимларимиз ўзаро ҳамжиҳатликда ишлайдилар. Турмуш ўртоғим Хайрулла Раҳматуллаев билан бир корхонада фаолият юритамиз. Улар линия иншоотлари ва кабель алоқаси бўлимида муҳандис бўлиб ишлайдилар. Соҳамиз бир бўлгани учун ҳам фаолиятимиз самарали кечаётир. Мустаҳкам оила деб шуни айтадилар-да.

**Акбар АЛИЕВ**

# ЁШЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

***Дунёда ҳеч бир инсон йўқдирки, билим олишга интилмаса. Ҳар йили ёз мавсумида шундай билимга чанқоқ ёшлар олий ўқув юртларига ўз билимларини синаш мақсадида имтиҳон топширадилар.***

Мамлакатимизда барча ёшларнинг камолотига жуда катта эътибор берилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» кўрик-танловлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти ёш истеъдод эгаларига кенг миқёсда йўл очиб бермоқда.

Маълумотларга кўра, 2012 йилда 56 мингдан ортиқ йигит-қизлар мамлакатимиздаги олий ўқув юртларининг талабалари сафидан ўрин олиш бахтига мушарраф бўладилар. Бу рақамларнинг моҳиятига назар солсак Ўзбекистоннинг дунё миқёсида таълим соҳасида етакчи ўринда туриши яққол кўзга ташланади. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг замонавий касб-ҳунар асосларини эгаллаб, катта ҳаётга теран назар билан қараган ҳолда илм олишга интилаётганликлари эса қувонарли ҳолдир. Бежизга Президентимиз «Ёшлар бизнинг келажагимиздир» деб айтмаганлар! Зеро, ана шу яратилган имкониятлардан муносиб фойдаланиш ёшларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардандир.

**Дилфуза МИРЗАЕВА**

***Ташкилий ва молиявий жиҳатдан кучли касаба уюшмаси қўмитаси фаолиятини йўлга қўйиб, шу асосда жамоадаги меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялаш ва турли-туман имтиёзларни жорий этиш борасида кўпгина ташкилотлар касаба уюшма тузилмалари иши такомиллаштирилмоқда.***

**Касаба уюшмалари фаолиятидан**

# АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА

Шундай ташкилотлардан бири Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази касаба уюшмаси қўмитасидир.

Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касабалари уюшмаси қўмитаси раҳбарияти ҳамда Марказ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муҳайё Қудратова ташаббуси билан доимо янги режалар асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли тизимини ўрнатиш ва бошқа қатор масалалар ижросини таъминлашда жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар асосида марказнинг жамоа шартномасида белгиланган бандига асосан, фарзанди 3 ёшга тўлмаган ходималарга касаба уюшмаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. 4 нафар ёш болали ходималарга ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 2-бандида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги зиммасига Давлат дастури мониторингини олиб бориш вазифаси юклатилган. Ҳозирда Марказда мониторинг маълумотлари умумлаштирилмоқда.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази қошида «Инглиз тили» клуби ташкил этилган. Марказ ходимлари доимо изланишда бўлиб, улар инглиз тили бўйича ўз малакаларини ошириб келмоқдалар.

Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан жорий йилнинг май ойида тарихий зиёратгоҳлари билан дунёга машҳур шаҳарларимиз Самарқанд ва Бухорога бир кунлик саёҳатлар уюштирилди.

Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ташкил этилаётган ўқув-семинарлар махсус дастур асосида олиб борилмоқда.

Яқинда марказ ходимлари учун «Оила ва маънавият» мавзуидаги «Маънавият соати» ташкил этилди. Унда фалсафа фанлари доктори, профессор Улуғбек Саидов иштирок этди ва маъруза қилди. Маърузада миллий қадриятларимизнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, оила ва маънавият хусусида сўз борди.

Марказ томонидан ташкиллаштирилаётган ҳар бир тадбирда ушбу ташкилот касаба уюшма қўмитаси бош-қош бўлиб, ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Яқинда Марказ Касаба уюшмаси қўмитаси кенгаши йиғилиши бўлиб, унда ярим йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди ва кейинги олти ойда қилинадиган ишлар режаси тузиб олинди.

**Насриддин БОТИРОВ,**
**Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази мутахассиси**



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

# ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ УЙҒУНЛИГИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Мактабимиз мамлакатимизда бадиий гимнастикани янада ривожлантириш, иқтидорли болаларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги қизларни спортнинг нафис тури билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, уларнинг сафидан мамлакат терма жамоасининг ишончли захирасини шакллантириш мақсадида ташкил этилган, – дейди мактаб директори Фахриддин Саъдуллаев. – Мактабимиз спорт залида нафақат бадиий гимнастика билан шуғулланиш, балки йирик мусобақаларни ўтказиш учун ҳам барча шароитлар яратилган. Мажмуадаги замонавий ёпиқ спорт залида бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Happy Caravan» халқаро турнири ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионатлари ўтказиб келинмоқда. Мактабимиз халқаро талабларга жавоб берадиган барча зарур спорт инвентарлари, мониторлар ҳамда электрон табло билан жиҳозланган.

Яна бир муҳим жиҳати, мазкур мактаб спорт залида бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг ўқув-йиғин машғулотлари олиб борилади.

– Олти ёшимдан бадиий гимнастика билан шуғулланаман, – дейди мактабнинг илк тарбияланувчиларидан бири, қашқадарёлик Фарангиз Аҳмедова. – Бу ерда машғулотларни тажрибали мураббийлар олиб боради. Халқаро турнирлар совриндорлари Ульяна Трофимова, Замира Санақулова, Азиза Мамажонова, Ҳусниябону Ғуломова каби тажрибали спортчилар маҳорат машқларини ўтказишди. Келгусида улар қатори номдор спортчи бўлиб, мамлакатимиз довруғини дунёга таратиш орзусидаман.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, қизларнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, айни пайтда қадди-қомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини бугун ота-оналарнинг ўзлари қувонч билан таъкидламоқда.

Айни пайтда Бадиий гимнастика бўйича республика олимпия захираси спорт мактаби ўқувчилари яшаш, машғулотларни олиб бориш ва овқатланишни янада самарали ташкил этиш учун қўшимча бино қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бу ердаги бунёдкорлик ишлари якунлангач, ўқувчилар учун шароитлар янада яхшиланади.

Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, миллат генофондини яхшилаш, қизларимизни оммавий спортга, хусусан, бадиий гимнастикага кенг жалб этишга қаратилаётган эътибор эртанги ёш авлодни дунёга келтирувчи бўлажак оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, халқаро майдонларда ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир профессионал спортчиларни тарбиялашга хизмат қилади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Янгиликлар**

# ЙИҒМА ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ

***«Турон» ахборот-кутубхона марказида китобхонлар маънавий-маърифий дунёқарашини бойитишга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.***

Мустаҳкам оила йилига бағишланган «Оила — мустаҳкам қўрғон» дея номланган китоблар кўргазмаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Марказда йиғма электрон каталоги шўъбаси ташкил этилиши ҳам қувонарлидир. КаДаТе компьютер дастури асосида электрон каталогларнинг навбатдагиси ҳам юзага келди. Бу янгилик республика йиғма электрон каталогининг бир қисми сифатида амалга оширилди.

# ЯНГИ ТАРМОҚ ИШГА ТУШДИ

***Ўзбекистон Миллий «Электрон таълим» тармоғи ўз фаолиятини бошлади. Ўқув жараёнига кенг кўламли тармоқлар ва интернет технологияларини жорий этиш мақсадида ушбу янгилик яратилди.***

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда яратган янги лойиҳа асосида кўплаб ўқув муассасалари тармоққа уланди. Шунингдек, ҳар бир олий ўқув юртида мултимедиали аудиториялар ташкил этишга киришилди.

«Электрон таълим» тармоғининг имкониятлари, видеотасвир ва бошқа маълумотлар узатиш усуллари амалиётга жорий қилинди.

# ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ИШЛАНМАЛАРИ

***Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида қатор электрон дарсликлар яратилди.***

Иқтидорли талабалар томонидан «Иқтисодий информатика» электрон дарслиги, «Е-тест» автоматлаштирилган тест тизими, «Шахсий компьютер архитектураси» каби виртуал стендлар тайёрланди. Шунингдек, бир қатор веб-сайтлар ҳам ишлаб чиқилди.

# БОСМА МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ДИЗАЙН

***Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти матбаа саноатига юқори малакали мутахассисларни тайёрлайдиган Марказий Осиёда ягона олий ўқув юрти ҳисобланади.***

«Матбаа, босма маҳсулотлари ва дизайн» кафедраси томонидан амалга оширилаётган таълимий жараёнлар самарадорлиги билан ажралиб турибди. Бу ерда таълим олган ёш мутахассислар эндиликда республикамизнинг барча вилоятларидаги матбаа корхоналарининг доимий аъзоларига айланиб улгурдилар. Институт 1996 йилдан бери халқаро матбаа олий ўқув юртлари Ассоциациясига аъзо ҳисобланади. Бу нуфузли ҳамкорлик туфайли олий ўқув юртининг моддий-техника негизи янада мустаҳкамланди. Янги техника ва технологияларга эга бўлди.

Дунёда матбаа машиналари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича таниқли ҳисобланган «Хелделберг» фирмаси билан ҳам яқин муносабат ўрнатилди ҳамда матбаа ўқув маркази очилди.

Германиянинг Вупперталь шаҳридаги Берг бирлашган университети билан икки томонлама ҳамкорлик шартномасига амал қилинмоқда. Шунингдек, ҳамкорликда янги ахборот технологиялари ҳамда масофадан ўқитиш жараёнлари жорий қилинди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

